

Каримова З.Х. - ТМИ фахрий
профессори, и.ф.н.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ЯГОНА ҒАЗНА ҲИСОБВАРАҒИДАГИ МАБЛАҒЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада давлат бюджетининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни самарали бошқариш, маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси ёритилади.

Таянч сўзлар: Давлат молиясини бошқариш, давлат бюджети, ғазначилик тизими, Ягона ғазна ҳисобварағи, бюджет маблағлари, бюджет профицити, тижорат банклари, депозит.

В статье освещены вопросы эффективного управления средств Государственного бюджета в едином казначейском счете, размещения данных средств в депозитах коммерческих банков и опыт иностранных государств.

Ключевые слова: Управление государственными финансами, государственный бюджет, казначейская система, Единый казначейский счет, бюджетные средства, бюджетный профицит, коммерческие банки, депозит.

The article includes effectively manage the funds in a single treasury account of the state budget, the amount of deposits in commercial banks and also its covered the experience of foreign countries in this area.

Key words: Public financial management, the State budget, treasury system, Treasury single account, budget funds, budget surplus, commercial banks, deposit.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви давлат бюджетининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни янада ортмоқда. Мамлакатимизда Давлат молиясини бошқариш борасида жадал ислохотлар олиб борилмоқда. Айнан, давлат бюджети ижросига ғазначилик тизимининг босқичма-босқич жорий қилиниши юзага келаётган кўплаб муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш билан бир қаторда, уларни олдини олиш учун кўшимча имкониятларни яратди. Республикаимизда давлат бюджети ижроси учун масъул, янги институционал тузилма ҳисобланган ғазначилик органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан ташкил этилди. Ушбу Қарор билан ғазначилик органларининг асосий вазифалари белгилаб берилган бўлиб, улардан бири тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ягона ғазначилик ҳисоб рақамида бўлган Давлат бюджети маблағларини бошқариш ҳисобланади. “..Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди” [1]

Республикамизда бугунги кунда давлат бюджетининг ижроси ғазначилик тизими орқали амалга оширилаётганлиги макроиқтисодий кўрсаткичларда ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жумладан, кейинги йилларда макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳисобланган давлат бюджетининг ҳолати мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га нисбатан профицит (ижобий қолдиқ) билан бажарилаётгани ҳам, бунинг яққол мисолидир (1- жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети профицити [3]

Йиллар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Кўрсаткичлар	йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил
ЯИМ га нисбатан давлат бюджети профицити (+), фоизда	0,2	0,3	0,4	0,4	0,3	0,2	0,1
Давлат бюджети профицити (+), млрд.сўм	76,3	209,8	335,3	413,6	389,5	304,6	236,0

Айнан, кейинги йилларда давлат бюджетининг профицит билан бажарилаётгани давлат бюджетининг Ягона ғазна ҳисобварағида вақтинча бўш маблағларининг мавжудлиги ва ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ҳозирда Ягона ғазна ҳисобварағида давлат бюджетининг маблағларидан ташқари, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари, шу билан бирга бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари жамланганини ҳисобга олган ҳолда, ягона ғазна ҳисобварақдаги маблағларни самарали бошқариш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бу борада хорижий давлатлар ғазначилик тизими амалиётининг илғор тажрибалари таҳлил қилиш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ғазначиликнинг Ягона ғазна ҳисобварағини бошқариш масалаларини Франция давлати тажрибаси асосида кўриб чиқадиган бўлсак, бюджетни ижро этиш жараёнида Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш энг муҳим вазифалардан ҳисобланиб, давлат мажбуриятларини узлуксиз амалга оширишда уни роли бекиёсдир.

Францияда Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш куйидаги субъектлар томонидан амалга оширилади яъни:

1. Франция Банки ягона ҳисобварақни юритади ва харажат операцияларини амалга ошириш учун ҳисоб-китоб тизимини тақдим этади;

2. Франция Ғазначилиги маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини юритади, касса харажатлари учун буюртмалар бўйича операцияларни амалга оширади ва давлат бюджетининг ижро этилишини кассавий режалаштиради.

3. “Франс Трезор” молия агентлиги (Ғазначиликка бевосита бўйсунувчи агентлик) ягона ҳисобварағидаги маблағларнинг муайян ижобий қолдиғини таъминлайди, яъни касса захирасини қоплаш учун маблағларни жалб қилади

ёки бўш турган маблағларни жойлаштиради.

Франция Ғазначилигида Ягона ғазна ҳисобварағидаги бўш маблағларни банк депозитларига жойлаштириш “Франс Трезор” молия агентлиги зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Францияда пул маблағларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришга йўналтирилади. Агентлик қимматли қоғозларни жойлаштиришдан маблағлар тушуми бўйича операцияларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларининг жойлаштирилиши ва операция куни якунига кўра ягона ҳисобварақнинг ижобий сальдоси билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаши зарур.

Агентлик Ғазначиликдан ўтган операция кунининг маълумотлари бўйича фаоллаштирилган кассавий режани, Банкдан эса ягона ҳисобварақдаги қолдиқ тўғрисидаги маълумотларни олади ва қимматли қоғозларни жойлаштириш графигининг маълумотларини ҳисобга олган ҳолда Агентлик бўш турган пул маблағларини банк депозитларига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади. Биринчи навбатда маблағлар бир кунга кафолатсиз жойлаштирилади.

Қарор қабул қилиш Агентликнинг ҳар бир банкнинг энг юқори ишончлилигига асосланади. Банкнинг Агентликдаги рейтингига унинг Агентликка давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришда маслаҳат хизматлари кўрсатиш ишларининг самарадорлиги ҳам таъсир кўрсатади.

Агентлик банкларга маблағларнинг муайян ҳажмини жойлаштиришни таклиф қилади, банкларнинг буюртмаларини йиғади ва якун ясайди. Таъкидлаш керакки, Францияда, маблағларни депозитларга жойлаштириш фоиз ставкаси Агентлик томонидан эмас, балки банклар томонидан таклиф этилади. Пул маблағларини жойлаштиришда ҳам миллий, ҳам халқаро банклар иштирок этиши муносабати билан фоиз ставкаси сармоянинг трансмиллий бозоридаги таклифни ҳисобга олган ҳолда юзага келади Барча қилинган иш натижалари, жумладан умумий якунлар, банклар таклифлари, касса режасининг маълумотлари Агентликда кўшимча текширувдан ўтказилади. Касса харажати учун буюртма Агентлик томонидан Ғазначиликнинг операцион бўлинмасига маблағларни ўтказиш учун топширилади. Агентлик тезкор иш услубига таяниб ишлайди. Бундай тезкорликка сабаб, кун бошида депозитлар бўйича ставкалар ва бозордаги талаб куннинг иккинчи ярмидагига қараганда юқори бўлади. Бунинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, жойлаштириш фоиз ставкаси Франция Банки Ғазначиликка бюджетнинг ягона ҳисобварағи бўйича тўлайдиган фоизлар тўлайдиган ставкадан паст бўлиши мумкин эмас. Агар банклар томонидан тўланадиган фоиз ставкалари Франция Банкининг ставкаларидан паст бўлса, жойлаштириш амалга оширилмаган ҳисобланади. Бундан ташқари, жойлаштириш фоиз ставкалари Агентлик қимматли қоғозларни жойлаштиришда маблағлар жалб қиладиган ставкадан юқори бўлиши керак.

Бюджет маблағларини банк депозитларига жойлаштириш якунлари тўғрисидаги ахборот Агентлик томонидан фақат йиллик ҳисобот доирасида, бу қандай шартларда амалга оширилганлиги ва жойлаштиришда иштирок этувчи

кредит ташкилотлари кўрсатилмаган ҳолда, ошкор этилади. Шундай қилиб, маблағларни жойлаштиришни амалга ошираётганда Агентлик, юқорида айтилганидек, давлат тасарруфидаги мавжуд пул маблағларини бирлаштириш, пул маблағларининг тушуми ва сарфланишини назорат қилиш, шунингдек қабул қилинган мажбуриятларнинг ижросини таъминлашни ўз ичига олувчи Ягона ғазна ҳисобварағидаги пул маблағларни бошқариш технологик жараёнини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида ғазначиликнинг Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш масалалари Бюджет кодексининг “Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш” номли 125-моддасида аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқаришни Давлат бюджети даромадлари тушумлари ва харажатларининг қисқа муддатли прогнозларини тузиш йўли билан амалга оширади. Қабул қилинган молиявий мажбуриятларни бажариш учун Ягона ғазна ҳисобварағида маблағлар етишмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети харажатларининг чекланган ҳажмини белгилайди ҳамда унинг асосида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга харажатларни тўлаш учун рухсатномалар беради. Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш турган маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тижорат банкларида депозитларга жойлаштирилиши мумкин бўлган маблағларнинг ҳажмини белгилайди.

Бугунги кунда республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 майдаги 135-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштириш ва уларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинган. Мазкур Низомга мувофиқ, Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш учун вақтинча бўш маблағларнинг чекланган миқдори молия йили бошида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот тизимида очилган Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ғазначилик шахсий ҳисоб рақамидаги маблағлар қолдиғининг қабул қилинган юридик мажбуриятлар чиқариб ташланган ҳолда жорий молия йилида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети учун тасдиқланган айланма касса маблағи миқдоридан ошган суммаси сифатида аниқланади.

Шунингдек, тижорат банкларининг депозитларига вақтинча бўш маблағларни жойлаштиришда тижорат банкларига қўйиладиган асосий талаблар ҳам белгиланган бўлиб, улар қуйидагича:

- тижорат банкининг устав капиталида камида 25 фоиз миқдорида давлат улуши мавжудлиги;

- тижорат банкида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг маблағлари ҳисобига илгари жойлаштирилган банк депозитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликнинг йўқлиги.

Алоҳида қайд этиш керакки, давлат бюджетининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги бўш маблағлардан фойдаланиш (тижорат банклардаги депозитларга жойлаштириш) қуйидаги ижобий натижаларни бериши мумкин:

- республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит ресурси сифатида тижорат банклари Ягона ғазна ҳисобварағидаги бўш маблағлардан вақтинча фойдаланиш имкониятига эга бўлади;

- давлат бюджетининг маълум харажатларини тижорат банклардаги депозитларга вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан қўшимча олинган даромад ҳисобидан қоплаш мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда бюджет амалиётида ғазначилик технологияларини такомиллаштириш ва давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш учун Давлат бюджети маблағларини прогнозлаштириш ва кассали режалаштиришни такомиллаштириш билан бирга, Давлат бюджети маблағларини ликвидлигини оширишга олиб келадиган Ғазначиликнинг Ягона ғазна ҳисобварағидаги операцияларни бошқариш механизмини такомиллаштириш зарур [4]. Ҳозирги кунда республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда, бюджет ижроси жараёнида Ягона ғазна ҳисобварағида жамланадиган давлат мақсадли жамғармаларининг ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг бўш турган қисмини жойлаштириш (тижорат банклари депозитларига) ва олинган даромадларидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш ва тегишли меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш давлат бюджетининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги бўш маблағларини самарали бошқаришда ижобий натижаларни бериши мумкин.

Бизнинг фикримизча, келгусида ҳам республикада давлат бюджети ижроси учун масъул ҳисобланган ғазначилик институтини ривожлантириш, унинг функция ва вазифаларини ҳозирги замон талаблари доирасида кенгайтириш, ягона ғазна ҳисобварағидаги давлат бюджети маблағларини бошқаришнинг жаҳон амалиётида синалган ижобий натижаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон. – 2010.-15 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. - Тошкент: Адолат, 2014. - 304 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (www.mf.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

4. Қасимова Г.А. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. - Тошкент.: Iqtisod –moliya. 2015.-129 б.